




Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг барча ишчи-хизматчилари кейинги вақтда жуда самарали меҳнат қилишмоқда. Айниқса, ёшлар илгори кўндалан бўлиб беришмоқда. Улар корхонада турли соҳада меҳнат қилишса, лекин ўз касбини устала эканлигини намойиш этаётди. Ушбу суратларда (чапда)



Янгув цехининг моҳир Ангучиси Расул Рихснев тасвирга туширилган. У бу ерда 6 йилдан бери ишлабди. Айни вақтда ўз шогирдларига ҳам эга. Унда эса ҳайдовчи К. Шерматов. У янги икки йилдан буён меҳнат қилишмоқда. Лекин шунга қарамай ўз тенгқўларни орасида катта обрўга эга. Андрей Пищенко суратлари.

* Долзарб мавзуда суҳбат

Тест усулидаги имтиҳон

Эндиликда олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари топиришда толибларнинг билимларига субъектив баҳо беришга мўлжал қилинган. Мақтабни битиргандан сўнг олий ўқув юртида таълим олишни хоҳлаган йигит ва қизларнинг билим савиясини аниқлашда энди тест синовларига асосланган кўп баъли пухта тизим ёрдам беради.

Бу йил республикадаги барча олий ўқув юртидаги кириш имтиҳонлари тест усулида ўтказилди. Ў.А. мутахассис П. СТРУННИКОВА бу янгиликнинг афзалликлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб беришни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий ўқув юртига талабаларни саралаб олиш республика марказининг директори М. ҚУРБОНОВдан сўрадик:

— Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълимнинг устуниги тўғрисидаги гоя амалга оширила бошланди. Бу соҳага ақратилган маб- лғолар кўпайди. Республика Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан таълим инфузисини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди, ёшларни тарбиялаш, истеъдодли йигит-қизларни саралаб олиш ва ўқитиш билан боғлиқ бир неча дастурлар ишлаб чиқилди. Бироқ олий ўқув юртидаги қабул қилишнинг амалдаги тизимига бўлажак талабаларнинг ва улар ота-оналарининг муносибати салбий эди, чунки бу тизим кириш имтиҳонларида қўйилган баҳо- ларнинг ҳолислигига шубҳа туртирарди.

Республика Президентининг олий ўқув юртига талаба- ларни тест усулида саралаб олишга ўттиш хусусидаги Фар- мони мутахассисларни сифат жиҳатдан таъин ҳам юқори даражада тайёрлашга янгича йўналишни рўйбга чиқаришга амалий қадим бўлди. Бу Фар- мон эндиликда олий ўқув юртидаги ёшларни қабул қилиш масалаларига давлат сиёсати, деб қаралганлигини кўрсатди.

Ўтган йили республиканинг 19 та олий ўқув юртида тест таъриба тарихида муваф- фақиятли сынаб кўрилди. Бир қанча мактаблар ва олий ўқув юртидаги ўқувчилар ва талаба- ларнинг билимларига баҳо беришда шу усулдан фойда- лана бошладилар. Бу йилдан бошлаб эса бўлажак талаба- ларнинг ҳаммаси — кундуз- ги, сиртки ва кечки бўли- ларга кирувчилар тест синов- ларидан ўтдилар.

Кенг кўламли давлат дасту- рли доирасида олий ўқув юртига талабаларни саралаб олишда тест усулини жорий этишга доир Ўзбекистон таърибаси ҳамдустлик мам- лакатлари орасида ҳозирча биринчи ва яқин-яқинга экан-

рақалпоқ тиллари), математика, табиий фанлар (физика, химия, биология), жимтсий фанлар (журғуфия, тарих), чет тиллар (инглиз, немис, француз тилларида). Хар бир блок 48 та саволдан иборат, фақат табиий фанлар блоқи кенгайтирилиб, 75 та савол кенгайтирилган.

Журналистика, архитектура, санъат беағи каби бир қанча мутахассисликлар, мусикий ёки бадний йўналишдаги фан- лар бўйича, кўп баъли тизим асосида иккидан имтиҳон ўт- казиш кўзда тутилган. Бун- да имтиҳонлар 16 июлдан 22 июлгача, консерватория ва санъат институтида эса 5 июл- дан бошлаб ўтказилди. Бўла- жак талабалар имтиҳон ба- лаларини жавоб варақаларига ўзлари ёзиб қўядилар — бу жуда муҳим жиҳат. Шу йўл билан биз уларга ўз ишончи- мизни билдирамиз. Лекин улар алданган тақдирда (ЭХМ- да яқин чиқарилаётганда) ки- мининг алдагани дархол маъ- лум бўлиб қолади) бу толиб- лар синовдан четлаштирилади.

— Тест саволлари қандай! — Улар мактаб дастурлари асосида тузилган. Тўғри, то- либларнинг иккидан қобилият- ларни эътиборга олиниб, му- рақабатли турлича қилиб ту- зилган. Алоҳида қобилиятлар учун топириқлар ҳам бор. Саволларни тайёрлашда энг яхши ўқитувчилар, услу- бийчилар, олий ўқув юрти- ларнинг муаллимлари ва олим- лар қатнашдилар. Хар бир саволга бештадан жавоб ёзиб қўйилган, шу жавоблардан фақат биттаси тўғри. Толиб- ларнинг эътиборини яна шунга қаратиш лозимки, бит- та савол билан ўралашиб қо- лмаслик керак, — вақтин бой- бериб қўйиш мумкин. Олдин ҳамма саволларни ўқиб чи- қиб, осонларига жавоб то- пиш, сўнг эса қийинроқ саволларга ўтиш керак.

Яна бир муҳим жиҳати: тест усулида саволлар миқ- дори танлаб олишдан касбга қараб 96 тадан 171 тагача бўлиши мумкин. Шунга му- вофиқ равишда тест синов- лари учун ажратилган вақт ҳам ўзгартирилиб, 2 соат 40 минутдан, 4 соат 40 ми- нутгача қўйилдирилди.

Республика олий ўқув юр- тлари 20 июндан бошлаб ҳуж- жатларни қабул қилиб олади. Бу иш 15 июлгача давом- этади. Бери олий ўқув юр- тларида талабалар учун ёдно-



2-поябзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг таърибча цехи- да кўп гул қосиблар меҳнат қилишди. Улардан бири Хим- мат Рафқиевдир. У 20 йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қи- лади. Корхонанинг фахри даски ҳам янгилашмайди. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тақдим этишда ҳам у бор ма- хоратини ишга солади. Ўз иш устида доимо изланиб, янги, бежирини нусхадаги оёқ қийимлар моделини янада излаб қилиб тайёрлашга ҳаракат қилади.

СУРАТДА: Химмат Рафқиев.

* Олий ўқув юртидаги имтиҳон

ТОШКЕНТ давлат аграр университетиде «Соғлом авлод учун соғлом мафкура керак» деган мавзуда рес- публиканинг таълими киши- лари, ижодкорлари билан талабаларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Уни университет ректори Эркин Шайхо- кириш сўзи билан очиб, ҳо- кирги пайтда Президентини Ислам Каримов Фармо- ни билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилиниши халқимиз дили- даги иш бўлганлиги тўғри- сида гапирди.

Шундан кейин сўз рес- публика хотин-қизлар коми- тетининг раиси, Ўзбекистон халқ депутати, шоира Хали- ма Худойбердиева берил- ди. У «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қили- ниши барномал авлодин тар- биладда муҳим қадим эканлигини таъкиб, бу бо-

* Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат назорат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармасида

TRANСПОРТ ИШИНИ ПОЙТАХТ ШАҲРИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

© Жуда катта ҳудудга эга бўлган катта шаҳарларда иш жойи шаҳар- нинг бир чеккасида ва яна бир чеккасида бўлган акси- рият аҳоли учун шаҳар жамоат транспорти — автобуслар, йўналиш бўйича қатнайдиган машиналар, трамвайлар, троллейбуслар, метро ягона транспорт воситаси ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, улар одам- ларнинг бир жойдан иккинчи бир жойга боришда ҳаётини муҳим воситадир. Ана шу босқин ҳам пойтахтимиз ҳужалигининг ана шу соҳасига республика раҳбарияти, шаҳар маъмурияти томонидан жуда муҳим эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Жумладан, бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов «Тошкент шаҳрида пассажир транспортини бошқаришни такомиллаш- тириш тўғрисида» Фармон чиқарди. Вазирлар маҳкамаси эса тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат назорат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси ана шу муҳим ҳуж- жатларнинг қандай бажарилаётганлигини ўрганди.

УМУМАН олганда тахлиллар шуни кўрсатдики, «Тошшаҳар- йўловчилар» уюшмаси раҳбар- лигида пойтахтда пассажир транспортини иштини ахшилаш, унинг моддий-техника базасини мустақамлаш бўйича чора-тад- бирлар белгиланмоқда. Уюшма- нинг қарийб бир йиллик фаолият- ни мубайнида 14 та автобус, 4 та троллейбус ва трамвай йўна- лишлари, йўналишлар бўй- ча қатнайдиган таксиларнинг 19 йўналишлари очилди.

382 та автобус, 43 та трам- вай ва 28 та троллейбусларнинг сотиб олинганлиги ана шу иш- ларни рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди. Бу ерда шу- ни таъкидлаш керакки, бу тран- спорт воситаларини сотиб олиш- га ҳозирги мавжуд қийинчилик- ларга қарамай жуда кўп маб- лағ, шу жумладан валюталар ажратилди. Ҳозирги пайтда хар куни ҳамшаҳарларимиз хизмати- га 199 йўналиш бўйлаб 1500 ав- тобус чиқарилаётган, ҳаракатнинг умумий узунлиги 3400 кило- метрни ташкил этади. Уюшма бошқаруви кенгаши хар ойда ўз мажлисларида шаҳар пас- сажир транспортининг иш яку- ларини қараб чиқмоқда.

Лекин ана шуларга қарамай, таассуфки, жамоат транспор- тини ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Бунинг босис шунда- ки, жойларда икки мингга кўп жихатдан ҳамон пастлигига қол- моқда. Жумладан, давлат назо- ратчилиги томонидан фаолият- ни текширилган барча корхоналар- да Тошкент шаҳар Хоними А. И. Фозилбековнинг 1993 йил 23 мартдаги 40-қарори ва уюшма- нинг шу йилнинг 30 мартдаги 122-буйғуни тўла ҳақда баъра- рилиш таъминланмапти. Ушбу қарор ва буйғуларда шаҳар пас- сажир транспортини фойдаланиш қоидалари кўзда тутилган эди.

Ана шу ҳужжатларнинг ба- жарилиши бўйича тегишли бу- руқлар трамвай ва троллейбус деполарида берилмаган. Кўпга- на автобуслар, троллейбуслар ва трамвайларда йўналишлар схе- масининг, ҳайдовчиларнинг ис- ми-шарифи кўрсатилган тахта- чаларнинг йўқлиги, бекатлар- нинг эълон қилинмаслигини ажабланимаса ҳам бўлади. Энг муҳими эса кондукторларнинг йўқлигини ҳайдовчиларнинг йў- ловчиларини фақат олдинги эшик- лардан тушириш ҳоллари давом этиштини, бу нарса ҳамшаҳарла- римизнинг ҳақли норозилиқлари- га сабаб бўлмоқда.

«Тошшаҳар йўловчилар» (ур- тоқ Шароф) автокорхоналар иш- лаб чиқариш бirlашмаси иши- да жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди. Уларнинг қарийб 90 фоизи транспортнинг энг тиз- ги пайтда йўлдан чиқариш бўйича режасини бажармапти, йўна- лишлардаги иш бўш назорат қи- линмоқда.

Фақат шу йилнинг биринчи чо- рагида транспорт қатновини тиз- ги бўлган соатларда 24460 та транс- порт йўлга чиқмаган. Ана шу пайт мубайнида 22 мингга яқин кечиниш ҳоллари йўлга қўйилган, 33,5 минг йўналиш йўқотилган. Машиналарни чиқариш режаси бажарилмагани оқибатида тўрт ой мубайнида 50,7 миллион сўм фойда олинмади. 100 га яқин сўз автобусларнинг туриб қоли- шидан қўриган зарар 27 милли- он сўмни ташкил этди.

Ҳамон автотранспорт ҳарака- тининг жадалга ва ораликда риоя қилмаслиги ҳоллари ҳақдан таш- қари кўп бўлмоқда. 7-автобус са- роийда шу йилнинг ўтган тўрт ойи мубайнида ҳаракат жадалли- нинг қарийб 800 марта бузилиш ҳолларига йўл қўйилди, давлат назорати идоралари томонидан текширув ўтказилган 4 май куни йўналишларга 36 автобус кечи- киб чиқди. 16 май куни 94-йў- налишда 10 та машина ўрнига 5 та машина ишлади. Автобус саройи директори бирлашма раҳ- барияти билан келишмасдан ту- риб ўзбошимчилик билан 108-йў- налишга автобуслар чиқариш тўхтаб қўйди.

Шу йилнинг 30 апрель куни 12-автобус саройининг 85 та ав- тобусидан 15 та автобуси ҳеч қандай сабабсиз йўналишга чиқ- мади. 104-йўналиш бўйича ҳа- ракат оралигининг бузилиш ҳо- лари шундай бўлди: 30 апрелда 1 соат 25 дақиқача, 1 майда 2 соатгача, 2 майда 1 соат 15 да- қиқача бўлди. Текширилган ол- ти йўналишда ҳаракат жадалли- нинг 215 марта бузилганлиги аниқланди.

2-автобус саройида 10 апрел- дан 12 майга қадар йўналиш иштинининг бирор марта ҳам бузилишига йўл қўйилмаганли- ги маълум бўлди. Лекин шу билан бирга давлат назорати идорала- ри томонидан 48-йўналишда йў- налишларга чиқариш 8 та ав-

тобусдан 4 таси ишлагани, 16-йў- налишда эса режадаги 12 та ма- шинадан бор-йўғи 7 таси ҳа- ракатда бўлганлиги аниқланди. 2519-автоколоннада икки ой мубайнида (апрель, май) 2 мингга яқин йўналишлардан оқлама- ган қайтиб келишлар ва гараж- га 1645 та эрта қайтиб келиш ҳоллари юз берганлиги аниқлан- ди.

12 майда 2-йўналишга такси- лар автомобил транспорт кор- хонасининг 34, 45, 79, 182-йў- налишларда эрта билан соат 8 да 44 та машина ўрнига 26 машина ишлаган. Кечқурун соат 20 да эса йўналишларда 30 та маши- надан 13 таси бўлган, соат 22 да эса 14 та машина ўрнига 1 та ма- шина ишлаган.

Диспетчернинг фаолиятини назорат қилиш бўйича ишлар ҳам қўнғилдагидек эмас. «Пактакор», «11-пост», «Под- московная», «Уриқзор», «Серге- йи сановат зонаси» автостанцияла- рининг диспетчерлик жойлари- да вақтин белгиланган муҳри-со- атлар ишламайди ёки бун- дай муҳри-соатлар йўқ.

Шу йилнинг тўрт ойи мубай- нида диспетчерлар томонидан 196 та йўналишлар бўйича ишга келди деб қўшиб ёзилган. «Олон озор» автостанциясининг дис- петчерлик журналида автобуслар- нинг йўналишга чиқариш вақт- лари кўрсатилмаган.

Ана шу давр ичида ҳайдовчи- ларнинг ўз йўналишларидан бош- қа йўналишларга 180 мартадан эиёб кетиб қолиш ҳоллари аниқ- ланганлиги ҳолига ажабланмаса ҳам бўлади.

Марказий диспетчерлик хиз- матига ахборотлар бермаслик ва йўналиш бўйича диспетчерлар- нинг доқадлиги, шомилмасли- ги оқибатида соат 21 дан кейин катта миқдордаги автобуслар ўз йўналишларидан «ойиё» бў- либ қолмоқдалар.

Жумладан, 11 май куни 21-йўналишда режадаги 5 та маши- на ўрнига бирорта ҳам машина ишламаган. Транспорт ишидаги ана шун- дай камчиликларнинг сабаблари суниестемолчилик ва ҳодимлар масъулиятсизлиги билангина изохланмапти. Тахлиллар шуни кўрсатдики, қўрилаётган чора- ларга қарамадан шаҳар автокор- хоналарининг таъмирлаш неғизи бузилишга қолмоқда. Жумладан, 2-автобус саройида мавжуд 185 автобусдан бор-йўғи 102 таси со- ҳолатда турибди. 18-автобус са- роийда эса мавжуд 239 автобус- дан 174 таси соҳ ҳолатда туриб- ди. Текширув пайтда 1-авто- бус саройида 56 та автобуснинг жорий таъмирлашда турганлиги маълум бўлди. Биргина 3 май куни соат 14 да турли хил но- созликлар сабабли саройга 13 та машина қайтиб келди.

Албатта ана шу барча ташвиш- лар ҳодимлар муаммосини ҳал қилишга таъсир кўрсатади, бу нарса ўз навбатида транспортнинг бир метрдаги ишига ҳам таъсир этади.

Умуман олганда «Тошшаҳар- йўловчилар» бирлашмаси бўй- ича ҳайдовчилар билан жамлаш 77 фоизни, таъмирловчилар бил- лан жамлаш 95 фоизни, кондук- торлар билан жамлаш 21 фоиз- ни ташкил этади. Таъйинки, ана шундай ахвол умуман олганда иш- ни ахшилашга имкон бермай- ди.

Ениги-мошай материаллари- ни тежаб-тергаб сарфлаш маса- лалари ҳам алоҳида диққат-эти- борни талаб қилади.

Ўтган йили қиймати 19,8 мил- лион сўмлик 1,7 минг тонна ав- тобензиннинг ва 17,7 миллион сўмлик минг тоннага яқин диель- ёниглик ортиқча сарфланганига йўл қўйилди.

Трамвай-троллейбус ишлаб чи- қариш бошқармасида (уртоқ Маҳ- камов) ҳам ишлар қўнғилдагидек эмас.

Ҳозирги пайтда шаҳарда 23 йўналиш бўйлаб трамвай ва троллейбуслар ҳаракати йўлга қўйилган. 512 трамвай ва 409 троллейбус ҳаракат таркиби мав- жуд. Албатта ана шу транспорт- лардан бошқа мақсадларда фой- даланишнинг илози йўқ ва улар- ни «чап» томонга юбориб бўлмай- ди. Бироқ, ўтган тўрт ой ичида трамвайлар бўйича йўналишлар- да чиқмаслик 26,7 минг йўна- лишнинг, троллейбуслар бўйича эса 28 минг йўналишнинг ташкил этди. Ўтган йил билан солиш- тирганда сифат кўрсаткичлари ҳам ёмонлашди. Жумладан, ҳа- ракат таркибининг трамвай йўна- лишларидан қайтиб келиши 2594 тани ташкил этди. 1992 йи- да у 2056 тани ташкил этган эди, троллейбуслар бўйича эса ҳа- ракат таркибининг йўналишлар- дан қайтиб келиш ҳоллари 3434ни ташкил этди. Ўтган йили у 1337 тани ташкил этган эди.

Ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарияти томонидан ҳайдовчи- лар шатини ва айниқса кондук- торлар шатини ҳодимлар билан жамлашга қаратилган амалий тадбирлар қўрилмапти. Жумла- дан, 1-троллейбус депосида кон- дукторлар шатини бор-йўғи 5,7 фоизга жамланган. Штаг жада- лида 191 киши кўрсатилганга қарамай, йўналишларда бор-йўғи 11 нафар кондуктор ишлайётган- дан кейин йўловчиларга қандай қилиб намунали хизмат кўрса- тиш ҳақида сўзлаш мумкин ахир? Ана шу депода 1992 йил ва шу йилнинг биринчи чораги- да белгиланган тартибни буз- ган ҳолда 23 та троллейбус ҳи- собдан чиқариб ташлабди.

Ана шу барча муаммолардан ташқари давлат назорати идора- лари текширув ўтказган пайтда айрим қўшиб ёиш ҳоллари, пул воситаларини ўзлаштириш, бош- қа молиявий бузилишлар аниқ- ланди. Бу нарсаларнинг ҳамма- си катта ташвиш уйотлади.

169-йўналишда қатновчи ав- тобус ҳайдовчиси Ермухамедов- да «ортиқча» 3000 сўм пул ва 20862 сўмлик ҳисобга олинмаган чипталар борлиги маълум бўл- ди. 24-трамвай ҳайдовчиси Миф- залиев 1165 сўмин, 7-трамвай кондуктори Болтаев 973 сўмин ўзлаштирган.

1-троллейбус депоси раҳба- ритининг назоратсизлиги оқиб- атида ҳайдовчи Сотников апрел ойи мубайнида бирор марта ҳам ишлаб топан пулни топиш- маган, бироқ унга 7153 сўм ҳажмда иш ҳақи ажратилган.

7 май куни йигирматга троллей- бусда ўтказилган текширув пай- тда уларнинг бирортасида ҳам чипталар сотилмаганлиги маълум бўлди. 2-йўналишда та- ксилар автомобил транспорт корхонаси ҳайдовчилари ҳам чип- таларни сотмасдан ишлаб қондан- бузмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Пре- зиденти ҳузуридаги давлат назо- рат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси ҳо- димлари ва давлат назорати гу- ман инспекциялари ҳодимлари ўтказган текширувлар чоғида аниқланган қонда бузилишлар ва нуқсонларга барҳам бериш бўйича зудлик билан чора-тад- бирлар белгиланди.

Давлат назорати идоралари- нинг тавсияси билан қондабузар- лиқларга йўқ қўйган бир қатор мансабдор шахслар маъмурий жавабгарликка тортилдилар. Пул маблағларини ўзлаштиришга йўл қўйган айрим ҳодимлар хусуси- даги материаллар тергов идора- ларига топширилди.

Молия иттизоми бузилиши юзасидан аниқланган ҳоллар бў- йича шаҳар бюджетига 10344 минг сўм ўтказилди.

Лекин фақат жаҳо билан қўз- ланган мақсадга етиб бўлмайди. Қатъий назорат ишдаги барқа- рорлиқни таъминлаш ва яхши- лаш керак, у ана шу ишнинг узулсизлигини, етарли дара- жада бузилиши таъминламоғи даркор. Ана шу босқин ҳам зифафларидан ташқари жамоатчи- лик билан мустаҳкам алоқада бўлган ҳолда фаолият кўрсат- моқдалар. Жумладан, Прези- дентимизнинг транспорт бўйича Фармони бажарилиши комплекс тарзда ўрганилишдан олдин улар ҳамшаҳарликларга улар ўтказадиган ишда қатнашиш ил- тимоси билан, қонда бузилиш- лари ҳоллари тўғрисида маъ- лумот бериш. «Тошшаҳар йў- ловчилар» уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан ўтқозилишини сўраб мурожа- ат қилилди. Қўнғина тошент- ликлар ана шу давватга яқидил- лар билан қўшилдилар, талай- гина амалий тақлиф ва муло- ҳазалар билдирилди, бу муло- ҳаза в тақлифлар уюшма раҳ- бариятига қараб кишиш ва чора- тадбирлар белгилаш учун юбо- рилди.

Бундан ташқари текширув на- тижалари Ўзбекистон Республи- каси Президентини ҳузуридаги давлат назорат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқар- маси мажлисида қараб чиқилди. Мақлисида қатнашган «Тошша- ҳар йўловчилар» уюшмаси раҳ- барларидан аниқланган қонда бу- зилишлари ва нуқсонларга бар- ҳам бериш қатъий талаб қилин- ди, шунингдек текширув нати- жаларини уюшма бошқаруви кенгашининг мажлисида қараб чиқиб вазифаси топирилди.

Ўзбекистон Республикаси Пре- зиденти ҳузуридаги давлат назо- рат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси шунингдек сентябрь ойида ана шу масалага ва уюшма раҳбарияти- нинг шу муносабат билан белги- лайдиган чора-тадбирлари маса- ласига яна қайтишга, келгуси йилнинг бошида эса ўз мажли- сида Президентимиз Фармони ва республика ҳукуматининг қаро- ри бажарилиши якуларини қара- б чиқилга қарор қилди.

Ўйлашмики, ана шу нарсанинг ҳаммаси қўзланган мақсадга еришшга ёрдам беради, катта шаҳар марказининг маъний хизмат тармоқларидан бири бўл- ган республика пойтахтидаги пассажир транспортининг аниқ ва узулсиз ишлашида муҳим омил бўлади.

Лола ПАРПИЕВА.

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

ГАЗЕТАСИННИНГ

ИЛОВАСИ

№ 27

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш комитетининг саҳифаси



ОЗОН МУАММОСИ

ҲАР йили кузда Антарктиканинг тепа-сида «озон тешиги» пайдо бўлиб, инсониятни кўп ташвишга солади. У айни пайтда ер юзидagi барча жонотнинг қирилиб кетиши хавфидан илк огоҳлантириш ҳамдир. Худди куз ойда ҳар йили Копенгагенда сайёрамизнинг озон қатлами химоя қилиш мақсадида илмий конференция иш бошлайди. Унда юздан ортиқ мамлакатларнинг вакиллари қатнашади.

Охириги конференцияда Дания табиати муҳофаза қилиш вазир Пер Стиг Меллер сўзга чиқиб, «Айниқса, кейинги йилларда озон қатламининг сийраклашиши низоҳатда тезлашиб кетди. Утказилган тажрибалар ер юзидеги озон беридаги ўзгаришлар инсоният учун ҳам, табиат учун ҳам жуда ҳалокатли бўлиши мумкин. Озонни емирадиган моддаларни қўшқорчи қилиб айтганда «рахмил»роғига алмаштириш, яъни шарт эканлигини кўпгина корхона раҳбарларининг ўз таъкидлашмоқда», деди.

Одамзоднинг ақли билан ер кўради. Лекин шу ақл уни ҳалокатга маҳкум этадиган қўрқинди. Билмадик, Копенгагенда бу йил кузда ўтадиган конференцияда қандай масалалар қўрилар экан?

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.



Қушлар — қанотли дўстларимиздир. Айниқса болалар ҳар бир қушнинг ўзига хос хатти-ҳаракатлари, қилмичлари, ранг-баранглигини ёқтирадилар. Шунинг учун ҳам суйиб, ардоқлаб боқишади. Ҳамшаҳримиз Шахриёр Шарипов ўн яшарлигидан бери улар билан қалли дўст. Бу йил у кўпайтирган тўтиқушларининг зоти ўнтадан ошиб кетди.

СУРАТДА: Шахриёр «дўстлар» даврасида.

ШАХРИМИЗНИНГ бош режисси тўғрисида, унда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши экологик аҳолига, атроф-муҳитнинг соғлом ва табиғийга ҳамбарчас боғлиқдир. Афсуски, бир неча йиллар мобайнида экология билан шаҳарнинг бош режисси ўзaro боғлиқлигига етарлиқ аҳамият берилмади. Шунинг учун кўпгина экологик зарар келтирадиган саноат корхоналари мавзелада, аҳоли зич турар жойларида қўрилаверган. Ундан ташқари, асосий ер остидаги сув сат-ҳи, унинг сифатига бўялган таш-сирлар, шомоллар эсиш йўллари инноват олимаган, Узоққа бормайлик, ТашГЭС корхонаси шаҳримизнинг шимолида жойлашган, ундан чиққан зарарли чикнидилар асосан шаҳар ҳавосини булгаб туради.

Тошкент тўқимачилик машина-созлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқа заводларнинг қуюв цехлари аҳоли турар жойига яқин бўлиб аячгина экологик муаммоларга сабаб бўлиб турибди. Энг катта муаммо — каналларимиз, ариқларимиз ва ер остидаги сувларимизнинг сифати ёмонлашиб, улар таркибиде нефть, мой ара-лашмалари ва оғир металл ион-лари кўпайиб кетишидир. Саноат корхоналаридан гальваника цех-ларидан чиқиб ерга ва сувларга қўйилиб кетганда оқсиз сувлар бу муаммонинг бош омил бўл-моқда. Шаҳримизда ҳаммаси бўлиб бизга маълум бўлган 93 та гальваника цехлари мавжуд. Шунинг айтиш керакки, гальвани-ка цехларининг технологияси жу-да кўп сув ишлатилишини талаб

қилади ва уларни токсик мод-далар билан булгаб, яхши тоза-лашмаган ҳолда канализация ёки ариқларимизга туширилади. Бу оқсиз сувлар оқибатда ер остида-ги ичимлик сувларга салбий таъ-сир кўрсатиб, аҳоли соғлигига катта зарар етказиши. Бизнинг текширишлар шунинг кўрсатдики, гальваника цехлари ўта зарарли.

ларидан рухсат олмай ўзбошимча-лик билан сув ҳавзаларининг та-биғий зоналарида жойлашиб, та-биғатга зарар келтирадиган фа-олиятларини баҳузув бошлаб ю-б-ришган. Сўнгги кунларда 16 та автомобил ювиш ва техник хиз-мат кўрсатиш корхоналари қўлоқ равишда табиат муҳофаза қи-лувларини бузганликларини учун

* Долзарб мавзу

ЎЗБОШИМЧАЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Бунинг устига улар ҳар бир кор-хонада бутун тўла қувват билан ишлатилмасдан, 60—80 фоиз бе-кор туради. Шунинг учун гальва-ника цехларини кўпайтирмадан баъзиларини таъмирлаб, шаҳри-мизда зарур миқдорда қолдириб, экологик меъёр ва қоидаларга мувофиқ тўғри келмайдиганларини беркитиш лозим.

Ариқ ва каналларимизнинг эко-логик аҳолини соғломлаштириш йўлида кўпгина бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда шаҳ-римизда кўпайиб бораётган кичик корхоналар бизга катта ташвиш туғдиришмоқда. Уларнинг кўпчилиги табиати муҳофаза қилиш идора-

комитетимиз томонидан ёпиб қў-йилди. Агар жойлардаги ер тақ-симлаш ва кичик корхоналарни жойлаштириш комиссиялари бу масалаларга чуқурак аҳамият берганларида эди, бундай ҳол юз бермас эди.

Энди шаҳар атмосфераси ҳаво-си тўғрисида бир-икки оғиз сўз. Шаҳримизнинг ҳавосига 1992 йилда саноат корхоналаридан чи-қарилган зарарли чикнидилар миқдори 21.000 тоннани ташкил этди. Бунда транспорт восита-ларидан чиқатган чикниди газлар ҳисобга олинмаган.

Шаҳримиз чиройига доғ бўлиб

турган маҳалла, микрорайонлар-да, ариқларнинг бўйларига ту-п-лашиб, ёпиб ётган ва ҳавога ўта зарарли бўлган концентрат ис-сларни чиқарадиган ахлат уюм-лари, айниқса, бефардликларимиз кўрсатиб турибди. Ахлатхоналар-дан чиқатган тўтиқушларнинг за-рари инсон саломатлигига саноат корхоналаридан чиқатган ис-слардан ҳам зарарлидир. Чикнидилар-ни шаҳар ташқарисига олиб чи-қиб ташлаш масалани тўла ҳал қилмайдир. Бу иш ривожланган давлатларда қилинганга қара-ба ҳал этилиши лозим. Яъни ахлат-ни йиғиш ва қайта ишлаш заво-дларини зудлик билан қуриш ло-зим. Йил бўйи шаҳримизда икки миллион тоннага яқин майиш чикниди ҳосил бўлади. Уларни қайта ишлаш ва безарар қилиш учун шаҳримизда қуриш мўлжал-ланаётган бир донатига завод-нинг кучи етмайди. Фикримизча ҳар бир йирик корхона, ҳар бир туман ўз худудидagi чикнидилар-ни бартараф қилиш учун кичик заводларни ишга тушириши ло-зим. Бу эса шаҳримизни тозалаш, ҳавосини мусоффо қилиш муаммо-сини бир қадар енгиллаштирад-ди. Лойиҳалаштириш ишларига эса шаҳарнинг экологик жамғар-масидан маблағ ажратиб мумкин.

Агарда бу муҳим режалар қо-ғозда қолиб кетмай амалга оши-рилса ва биз кутган яхши нати-жалар берса, шундангина ҳамма-мизнинг саломатлигига пўтур етмайди ва табиат олдидаги инсо-ний бурчимизни бажарган бўла-миз.

Шонра ИБРОҲИМОВА.

Тошкент шаҳар табиати му-

ҳофаза қилиш комитетининг

раиси.

ГУЛЛАГАН ЧОҒИДА КЎРМАСИН ЗАВОЛ

Баҳор келганида гулга ўралиб, Ҳусну жамолини кўз-кўз қилардим. Пойимда оқарди сувлар бурлиб, Бахтдан, саодатдан яраб қулардим.

Сира ҳам чўзмадим бўйим осмонга, Нима бўлса ҳамки, унга атайдим — Борини тутдим ол, деб инсонга. Оналиқ нигоҳим унга қадарим.

Ҳосилим мўл эди, кузак келганда, Ларзон шохларидан олмалар тўкиб. Бошим кўнда эди омбор тўлганда, Силкиниб қўярдим шовдираб секки.

Ахир бор шарбатин танамда оққан, Меваларим ира жо бўлган эди, Қўзлар шолдиндан жондираб

Болалар ҳаминча соғ бўлсин энди.

Билиб бўлмас экан нечук бу тақдир, Йишаганда тегди танамга болта. Ўзиди яшашдан умидим тақир, Ахир билибманми бир умр калта.

Ахир билибманми яхшилик қилиб,

Эвазига умрим бўлишин хирож, Ахир билибманми, шафқатни қилиб, Одам ёвузликни этганини тож.

Ахир билибманми умр дегани, Сарҳадга ҳеч қачон етмас вақтида. Табиат эдику онам — сўйганим, Ҳудо бўлишимни ўшал бахтимдан.

Табиатдан мени жудо этдилар, Онам кўниси қолди бутун ҳувиллаб, Яшмақ ўйларни тугаб битдилар, Яшил апроқларим тушди дувиллаб.

Улар пичирлайди: тўхта ҳей, инсон! Дўстлинка қилмагил ҳиёнат ахир! Ўрними тўлдирмоқ мушкулдир.

Кечирмайди сени, аё тошбағрай!

Йиглайман, йиглайман, йиглайман

Вужудимда кезар шундайин савол: Табиат, тил бергин, дараклар токи, Яшнаган чоғида кўрмасин заво!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ИНСОН барча жонотлар ичида сарвари саналади. У табиат фарзанди: инсоннинг бутун ҳаёти, турғилиши, еб-ечили, меҳнати, ҳаётдан кўз юмиши ҳам барча-бар-часи табиат билан пайванд. Инсон ҳаётини табиатдан айрим тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу-юк мутафаккир шоир ва олим Умар Ҳайём инсонни шундай таърифлаган:

Дунёнинг тилиги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз,
Тўғрак жаҳонни узук деб билсак,
Шакисиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Органик ва ноорганик дувё бир-бирига боғлиқ яхлит юртимга бўлиб, бу бамисоли мўъжаз соатга ўхшайди. Соатнинг бирор мурвати ишдан чиқса вақтни нотўғри кўрсата бошлайди. Турғулди йиллари кўлаб мурватлар ишдан чиқди. Натижада табиат соати ҳам бўлак соҳадаги соатларга ўхшаб ноаниқ юра бошлади.

Табиатнинг бузилган мувозанатини қўриб шундай фикр турғилиди: табиатда ҳеч бир нарсаси ортқиқа қилиб яратилмаган. Биз бўлсак «Табиатдан инъом-оҳсон кут-масдан, ундан ундириб олиш бизнинг қўлимизда» деб ер ости, ер усти бойликларимизни талон-тарож қилиб, ваҳшиётларча фойдалана бошладик. Чўла даштларни бўстонларга айлантирамиз деб не-не юлғунзорларни,

* Нуқтаи назар

МУВОЗАНАТНИ САҚЛАЙЛИК

саксовулу ёшанзорларни қўриб ташладик. «Вунёд-корлик» байроғи остида қилинган бундай «улкан ютуқ-ларини» санаб охирига етти олмайсан, киши. Оқибатда табиат биздан юз ўтгириб, экологик таъаззулга учрадик. Муқаддас табиат инсон учун зарур бўлган оҳиё-ж-ларнинг муҳайё қилганини, унинг соғлом ирсий тарақ-қияти учун соф ҳаво, тоза сув, озиқ-овқат, шифо-бахш қўш, нур, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини инъом этганлиги уқтирилади. Фақат бу марҳаматдан мейёри-га, иерофиз фойдаланишни кўрсатиб, аёс ҳолда сув, ҳар, ҳаво ва нур ноқўя қилишларимизни жазаолайди-ган ва бутун дунёни ларзага соладиган қуролга айла-нишини эслатади.

Маълумки, инкичи наҳон урушидан аввал йирик шаҳарларимиз ҳар хил мевади дараклар билан банд эди. Урушдан сўнг марҳум академик Ф. М. Русанов ташаббус билан аҳоли зич жойлашган шаҳарларга ман-зарали дараклар оқилда бошланди. 1980 йилларга ке-либ озиқ-овқат режиси муносабати билан шаҳарларга мевади дараклар экилиши матбуотда кенг тарғибот қилина бошланди. Албатта бу масала жуда жиддий бў-либ, илмий асосда ҳал қилиниши керак, чунки катта шохқўчаларнинг атрофлари автотранспорт восита-ларидан чиққан оғир металлларнинг ионлари ва бўлак захарли моддалар билан хавфли даражада ифлосланган.

Шаҳримизнинг кўчалари, бекатлари ва оромоҳла-рида лигистирлудм ёки «тирик яшил девор» деб аталув-чи ўсимлик хаддан ташқари кўпайиб кетган. Бу бу-таларнинг «жосияти» шундайки, у тўғроқ структураси-ни бузиб жой эгаллайди. Шунингдек, гажуик ерларда айлантис, сафоро, ақасия, гилдирич деб аталмиш «бо-лар» кўпайиб кетган. Уларнинг ўрнига мевади дарак-ларнинг айрим турларини, қурилишда ишлатиш мум-кин бўлган тол, теракларнинг кўпайтирилиши фойдали-дир.

Атроф-муҳитни химоя қилиш мамлакатларнинг иқ-тисодий ривожланиши билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳозирги вақтда бири инкичинисиз ривожланмайдир. Туркистон ўлкаси жумҳуриятлари алоҳида, мустақил равишда маъмур соҳада иш олиб боришлари ҳозирги кунда мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун Ўрта Осиё ва Қозғистон республикаларининг ўсимлик, ҳай-вонот дунёси, об-ҳавоси, жўғрофий жойлашгани, бир-бирига жуда яқин бўлганлиги сабаб биргаликда таби-ати муҳофаза қилиш бўйича экологик дастур ишлаб чиқишлари керак.

Мамлакат бўйлаб ўтказилган ҳар қандай тадбир давлатнинг аралашувида юзати чирини жуда қийин. Табиатуно олимларнинг экологига оид тақлиф-муло-ҳазаларини ва шу соҳадаги таъкилотларни ҳукумат қўллаб, қонун йўли билан уларни химоя қилса, нати-жаси самарали бўлади.

Табиатдаги мавжудотлар ичида гўлғониси инсон де-ди. Унинг учун зарур бўлган ахтиёблар муҳайё қи-линиши, экан, соғлом ирсий тараққийот учун, унинг ру-ҳи, нуқудуш, пок бўлиши, ўз зурриятини авайлаб, ахти-ёблик билан саклашга ҳаракат қилиниши керак. Барка-мол фарзандлар дунёга келишида экологик поклик, мувозанатнинг бузилмаслиги катта аҳамиятга эгадир.

Муҳсин ВАЛИХОНОВ,

биология фанлари доктори, профессор.



Ўзига хос дам олиш фасли — ёзнинг ўзгача тағшти, ўзгача файзи болаларни ҳам бонхтиёр сирли сайҳатларга, табиатнинг фусуқкор қўйнига чорлайди.

ЧИН ФИДОЙИЛАР

КУНИ кеча Тошкент шаҳ-ридаги Ўзбекистон тўлп ва сўт маҳсулотлари автобаза-сидagi автомашиналаридан бири турган жойида порт-лаб кетди.

Портлаш инсон ҳаёти учун хавфли бўлган аммиак моддаси таъсириде руй бер-ди. Ҳавога захарли модда-лар тарқалиб, шу атрофда-ги одамлар ўз жонларини сақлаш учун тарафдуда ту-шиб қолди.

Бу ҳолни ўз вақтида қўриб, чидаб турулмаган шу автобазанинг 35—34 ТНБ рақамли автобус ҳайдовчиси Рустам Шарифжонов ўз ҳаётини хавф остида қолди-риб бўлса-да, чиннакам қа-ҳармонлик кўрсатди.

Хар қандай қийин шaroитда ҳам шундай фидойи, улуг инсонлар тўғрисида бу ҳаёт янада ёрқинроқдир.

Ником АЗИМОВ.

КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1993 йил 20—23 октябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофаза қилиш давлат комитети, Ўзбекистон экология ва саломатлик жамғармаси, Ўзбеки-стон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Экология таълим-тарбия муаммолари» ассоциацияси

Аҳолига экологик таълим-тарбия бериш ишларини та-комиллаштиришнинг форма ва методларини аниқлаш кон-ференциянинг бош мақсади. Бунда республика олимла-ри, мутахассислари, муаллимларининг экологик таълим-тарбия соҳасидаги олиб бораётган ишларини умумлашти-риб, аҳолининг экологик маданиятини оширишнинг усул-лари белгиланади. Конференцияда мактаб ва боғча-лар таълимдаги болаларга, ҳунар-техника билим юрти, ўрта ва махсус, олий ўқув юртилари талабаларига ҳамда бошқа касб қилишларини табиати муҳофаза қилиш бўйича мутахассис қилиб тайёрлашга, раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини оширишга бўлган масалалар эло-ҳида қўриб чиқилади.

Конференция материаллари олдиндан чоп қилиниб, қат-нашчиларга тарқатилади. Конференцияга қатнашш учун таъкилий комитетга («Олмасор» кўчаси, 174, УшПФТИ, 17-қо-на) қўйнадигиларни юбориш зарур:

1. Конференцияга қатнашувчи, ҳақида маълумот;
2. Тайёрланган маърузанинг номи.

ФАН ВА ТАРҒИБОТ БЎЛИМИ.

* Лирик лавҳа ОЛАН ЯШАРАДИ

— Буларга инсон меҳри-муҳаббати зарур, — дебди дарвеш.

Дарвеш кеча-кундуз тер тўкибди. Ариқ қавлабди, ни-ҳол экибди. Орадан қанча фурсат ўтибди, билмайману лекин боғ шундай яшнаб кет-тибдики, асти қўяверасиз. Ша-мол боғ ичида кезиб тўймас-миш. Кумрино бўлбуллар заъқ билан хонши қилармиш. Тўтио гулрақлар уларга жўр бўлар-миш.

— Энди ҳайр, — дебди дарвеш, — мен энди йўлга тушай, эй боғ! Бир ерда қўл-мак суведк туриб қолиш ақли донишмандга хос иш эмас.

Боғ дарвешга оқ йўл қилибди. То ҳануз дарвеш аста олам кезиб, ҳаммасларига йўл-йўриқ бериб, уларга меҳр-муруват улашиб юрганмиш.

Бонхтиёр ўйга толасан ки-ши. Шаҳримиз ҳам яшаришга интиқ эмасми! Осмон узра сузиб юрган тутун дудлар,

Ғолиб МИРЗО.

* Ажаб савдолар СОҲИЛДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИК

ЯҚИНДА Ўзбекистон Рес-публикасининг «Табиати муҳофаза қилиш тўғриси-да»ги Қонуни қабул қилин-ди. Энди кишини, табиат қо-нунларини бузса, у қонун олдига жавобгардир.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш комитети назоратчилари ўтган йил-нинг июль ойида Чирчиқ су-лини ифлослантирадиган бир корхонани аниқлашганди. Бу Бонхтемир туманидаги Оҳангарон катта йўлининг Чирчиқ дарёси бўйида жой-лашган 76-қурилиш ташки-лоти эди. Ҳўш, орадан шу-ча вақт ўтди. У ердаги ах-вол ўзгардики?

Бир-икки оғиз корхона ҳақида. 1983 йили буйруқ-боз раҳбарлар «Мотор» за-водини ҳеч қандай мутахас-сислар билан маслаҳатлаш-май, Чирчиқ дарёси бўйида қуришга рухсат беришганди. Бунинг қўриш учун эса 76-қурилиш ташкилоти бош лудратчи қилиб олинди.

Заводнинг асосий қисми қурилиб, ишга туширилгач, илгариги йўл таъмирлаб корхонасининг ўрнига жой-лашган бу қурилиш ташки-лоти ҳам шу завод ёнида ўрнашиб, ўз худудини ке-нгайтириб бораверди. Ёни-ги нефть маҳсулотлари омбори, автомашиналарни таъмирловчи станция каби атроф-муҳитга, сувга зарар етказадиган биноларни қур-ди.

Булар Чирчиқ дарёси бў-йида қурилганлиги боис ер-га тўкилган нефть маҳсуло-тлари ички сув ҳавзаларига қўйилиб, тоза сув таркиби-ни ифлослантирадигани қўшма назоратчиларни то-монидан аниқлашиб, улар устидан ақт тузилди. Аммо бу қурилиш ташкилотининг

назоратчиси О. Люмарт ойда у ердаги ахвол билан яннроқ таби-иёт чикнида ақтда қўрсат-илган қатор жиддий камчи-лилар ҳали бартараф этил-магалигини тўғроқ бўлди. Шундан сўнг у қурилиш ташкилотининг директори А. Ғофуров ва бош муҳан-дис К. Умаровнинг ҳар би-рига 2,5 минг сўмдан жари-ма солди.

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Бунинг оқибатида бу суздан неча инсонлар заҳар-ланди. Аммо бу ҳол улар-ни заррача бўлса-да, нин-донларини қийнамапти.

Фаолиятлари тўхтатишдан бўлишига қарамай, улар ташкилотини янада кенгайт-риш ва ўз ўрнида қолдириш йўллариин излашмоқда. Уш-бу сатъ-ҳаракатларнинг қан-чалик қонунга хилоф экан-лигини аниқлаш ва ҳуқуқий жаза белгиланиши ҳуқуқий органлар белгиллади, ал-батта. Бу иш юзасидан Тош-кент шаҳар прокуратураси хабардор қилинган. Аммо гиниш ҳали ҳам қолдириб қўйилган қўрилади.

Илҳом АҲМЕДОВ.

* Спорт * Спорт * Спорт

МЕЗБОННИ ҲАМ СИЙЛАШМАДИ

ЯҚИНДА Франциянинг Фижон шаҳрида волейбол клублари (аёллар) ўртасида халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Унда мезбонларнинг икки жамоаси, шунингдек, Бельгия, Руминия давлатлари вакиллари иштирок этди. Юртимиз шарафини ҳимоя қилган Тошкентнинг «Автомобилчи» жамоаси қизлари мазкур мусобақадан бўлажак VII Осиё чемпионатида таёргарлик сифатида фойдаланган десак ҳам бўлаверади.

Бир неча кун давом этган баҳслардан сўнг тошкентликлар турнир голиби бўлишди.

БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ

ГАНДБОЛ бўйича Ўзбекистон чемпионатида сардорлик қилаётган Чирчиқнинг «Қурувчи» жамоаси ўзининг биринчи хорижий сафарига чиқди (айтиш мумкинки, улар республикамиз гандболчиларининг халқаро мусобақада қатнашган ilk вакиллари).

Истамбулда ўтказилган мазкур халқаро мусобақада Европа чемпионатида ҳозирлик қўраётган Туркия, Болгария миллий терма жамоалари, Туркия ёшлар терма жамоаси иштирок этди.

Албатта, ўзбекистонликларда халқаро мусобақалар тажрибасининг йўқлиги қатор қийинчиликлар туғдирган бўлсада, сўнгги ўйинларда муқимларда катта таассурот қолдиришга, мезбонларнинг ёшлар терма жамоасини енгишга муваффақ бўлишди.

Халқаро турнирда эса биринчи ўринни болгарияликларни 25:21 ҳисобида енгган Туркия миллий терма жамоаси эгаллади.

Лекин Ўзбекистон гандбол федерацияси хорижий сафарлар билангина чекланиб қолмай, ўз юртимизда, аниқроғи, Навоийда Мустақиллик Кубоги халқаро турнирини уюштироқчи. Унга Туркия, Гонконг, Эрон, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари вакиллари тақдир этиш режалаштирилмоқда.

ТОШКЕНТЛИКЛАР

ГОЛИБ

БАСКЕТБОЛ бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Саккиз жамоа иштирок этган биринчиликда Тошкент шаҳри шарафини икки клуб — «Узстроймеханизация» ва Республика олий спорт маҳорати мактаби (РОСММ) ҳимоя қилди.

Гарчи Хитой Халқ Республикасида қилган сафари давомида ўтказган ўн бир учрашувининг тўққизасида мағлубиятга учраб, иккитасининг дурани билан якунида эришган «Узстроймеханизация» спортчилари 13 ўйинда 26 очко жамғариб биринчи, Бухоронинг «Ситорабаскет» клуби ва РОСММ шунча ўйиндан 23 очко жамғариб иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар.

БУ БОШЛАНИШИ

СТОЛ тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Швецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этдилар.

Чемпионатда жамоалар саккиз гуруҳга (ҳар бирида 8—10 тадан жамоа) бўлиниб баҳсланишди. Ўзбекистон терма жамоаси Колумбия (3:0), Кипр (3:0), Гватемала (3:0), Тринидад ва Тобаго (3:0), ЖАР (3:1) давлатлари вакиллари билан енгиб ўз гуруҳида учинчи ўринни эгаллади. Бу эса уларга 33—40 ўринлар учун кураш олиб бориш ҳуқуқини берди (чунки дастлабки



Моҳир тўпурар Шўҳрат Мақсудов ҳужумда.

Муҳаммад Амин сурати.

* Жаҳон майдонларида

ГРЕЦИЯ

ҚАДИМИЙ ва навқирон мамлакат футбол бўйича миқдлий чемпионатининг энг сўнгги тур учрашувларига қайси бир жамоанинг олтин медалга муносиб эканини кўрсатди.

Ғи саккиз жамоа орасида бу йил ҳам Афганиннинг АЕК клуби ўзининг энг кучли эканини намойиш этди. У 34 учрашувда 78 очко тўплашга эришди.

Иккинчи ўрин «Панатинайкос» (77 очко), учинчи ўрин «Олимпикос» (68 очко)га насиб этди.

Мамлакат чемпионатини «Пнерикос», «Ионикос», «Коринтос» клублари тарк этди.


Турнир жадвалининг юқори поғоналаридан жой олиш АЕКга Чемпионлар Кубоги, «Панатинайкос»га Кубок эгалари Кубоги, «Олимпикос»га ва ОФИ (4-ўрин соҳиб)га УЕФА Кубогида қатнашиш ҳуқуқини берди.

Греция чемпионатининг моҳир тўпурарлари: 33-Вассиас Димитриадис (АЕК), 32-Кинишгоф Варияхс («Панатинайкос»).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

МАМЛАКАТНИНГ Чехия ва Словакияга бўлиниб кетганига қарамай футбол чемпионати эски тартибда давом эттирилди. Олтин медал сўнгги етти йил мобайнида олтинчи бор Праганин «Спарта» клубига насиб этди. Умуман олганда эса бу 1925 йилдан буён ўт

* Спорт * Спорт * Спорт



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган.
Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 33-29-70;
эълон ва тикорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тикорат хабарлари аниқ ва тўғригили учун жавабгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г-120. 19899 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табақ, Офсет усулида босилган, Қўғоғи А-2. Нашр кўрсаткичи 64690.

ШУҲРАТ
(Ғулом АЛИМОВ)

Ўзбек адабиети оғир жуздорлик учради. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўҳрат (Ғулом Алимов) узок давом этган касалликлдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Шўҳрат 1918 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтидида тахсил олиб, адабиётга шoir сифатида кириб келди. Унинг дастлабки шеърлари 1935 йилда Эълон қилиниб, илк достонлари билан эл назарига тушди. Шўҳрат баракали ижод қилди. Ундан Ўзбекистонда яқин шеърини тўплам мерос бўлиб қолди, кўплас шеърлари қўшиқ бўлиб жаранг-ламаюқда.

Шўҳрат йирик насрий асарлари билан ҳам ном

қозонди. Унинг «Шинелли йиллар» (1958), «Олтин зайғамас» (1965), «Жаннат қидирганлар» (1968) романлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олди. У адабиётимизда драматург сифатида ҳам машҳур. Адибнинг «Беш кунлик кев», «Она қизим» каби асарлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Шўҳрат моҳир таржимон эди. Унинг жаҳон адабиети мумтоз вакиллари Х. Хайне, А. С. Пушкин, А. Миккевич, Т. Шевченко, Н. Бараташвилидан қилган таржималари шеъринингизнинг боқий мулки бўлиб қолди.

Шўҳрат оғир ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. У иккинчи жаҳон уру-

ши жаҳаларида жанг қилди, қатогон йилларнинг жабру жафосини чекди. Лекин ҳамиша ҳалол ва ҳақгўй адиб, самимий ва диёнати инсон бўлиб қолди, ўз халқи, ўз ватанини астойдил севиб яшади, толмас рафрат, жўшқин эҳтирос ила ижод қилди.

Адибнинг ижоди бир қатор орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Эл севган адиб, оташқалб инсон, ёш қаламкашларнинг меҳрибон мураббийси Шўҳратнинг ёрқин хотираси унинг дўстлари ва мухлислари қалбидида ҳамиша яшаб қолади.

И. Каримов, А. Муталов, И. Жўрабеков, М. Қорабоев, М. Умурсоқов, А. Фозилбеков, Э. Ҳайитбеков, О. Ёқубов, Санд Аҳмад, Шўҳратилло, Э. Воҳидов, Жамол Камол, А. Орипов, Е. Аҳмедов, Б. Қориева, Р. Аҳмедов.

«БЕКРОЧИДАН эл безор», деган нақл бекиз айтилмаган экан, Воёга етмаган Хўснуддин Салимов, Равил Мағдиев, Умиджон Жўраев ва терговда шахси аниқлаш имконияти бўлмаган «Абдували» ва «Шерали»лар 25 февраль кўни туғди соат 24 яримларда Шайхонтоҳур туманидаги Ўқчи кўчасининг 129 а-хонадонига келишди. Бу хонадонда ижарада яшовчи институт талабаси Тўтихон Юсупова юмуш билан ҳовлига чиққанида. У ҳовлининг зимистон қаҳрида шивирлаган овозини эшитиб, у ён бў ёққа қаради. Қарадию, кўрқувдан юраги тарс ёрилгудек бўлди: Ким у ерда турган, қани, зудлик билан чиқиб кетинглар — деди Тўтихон. Лекин қора кўланкалар икки хатлаб унинг олдида пайдо бўлишди-да, ҳар тарафдан мушт тушира бошлашди. Безориларга бас келолмаслигини сезган Тўтихон кўшини ҳовлида яшайдиган студент йигитларни ёрдамга чақира бошлаган заҳоти Хўснуддин Са-

* Қилмиш-қидирмиш
ҚОРА
КЎЛАНКАЛАР

лимов унинг овозини бўғиб қўйди. III. Очилов эса Тўтихоннинг бўйнидаги тила занжирини ва қулоғиданги сиргаларини ечиб оларкан, ўшқирди:

— Овозингни чиқарсанг, ўлдираман... Талончи-босқинчилар толибани хонасига олиб киришди ва унинг телпагини, иккита ёмғирпўшини, пальто ва куртасини олишди. Сўнгра оғҳлантариб:

— Милицияга хабар берсанг, ўлдираман, — деб чиқиб кетишди.

Жабрдийда кўрқанидан ҳеч кимга оғиз очмади. Бу Тўтихоннинг хатоси эди. 22 март кўни III. Очилов, У. Жўраев, Р. Мағдиев, Х. Салимов ва «Шерали» 5 декабрь кўчасида жойлашган 6-пиво заводига келишди. У ердан 40 шиша пивони шу кўчанинг Бўйноқ номи боши берк кўчасидаги 23-уйининг қаршисига олиб келишиб, роса пиво-хўрлик қилишди. Соат 01 ларда жиний тил бириктириб, Ўқчи кўчасидаги 29 а-уй олдида келдишлар. Кўча эшиги очилгидан фойдаланиб, ҳовли орқали хоналарнинг бирига бостириб киришди. Бу ерда ухлаётган институт талабалари И. Юсупов, Х. Умаров, О. Шинёзовлар қаттиқ шарападан чўчиб уйғонишди. Ҳар бирининг бош томонда қақирилмаган «меҳмон»ларни кўриб, ҳайрон бўлишди. «Меҳмон»лар талабаларни гапга тутиб қалғират экан, бошқа шериклари И. Юсуповга тегишли курткани яширин олиб ҳовлига чиқди. Х. Салимов икки ҳовли ўртасидаги девор вазифини ўтовчи тўр сеткадан олиб тушиб, кўшини хонадон эшигини очди. У барча шерикларни билан хонага киришди. талаба Тўтихон Юсуповга деди: «Хўш, ойнамиз сен мен сенингдан чиқарилганимиз?». У шундай дея шартта Тўтихонга таш таниб, дўшпослади. III. Очилов эса уйдаги лиқобчалардан бирини олди-да Тўтихоннинг бошига урди. Қаттиқ жароҳатланган талаба беҳуш бўлиб, йиқилиб қолди. Тўтихон ўзига келиб кўзини очганида босқинчи-лао «гойиб» бўлишганди. Улар жабрдийданинг костоми, «варенка» кўйлагини, қора рангли сумкасини ва гитарасини ўмариб кетишганди.

Тўтихон бу сафар ҳам унинг хонадонидида талончилик, безорилик, босқинчилик содир этилгани ҳақида ҳеч кимга мушқ этмади. Бу Тўтихоннинг иккинчи хатоси бўлиб, жазосиз босқинчилар учун яна жиноятлар содир этишга йўл очди.

Босқинчиларни талабанинг буюмлари қониктирмади. Шунинг учун йўл-йўлакай яна биронта кишининг уйига бостириб кириб пул-буюмларини ўмармоқчи бўлишди. Улар яна бир хонадонга бостириб киришди ва шундай оғир жиноятга қўл уришдики, бу ҳақда айтишга тил, ёзишга қўл оғизлик қилди. Ваъзи бир мулоҳазаларга бориб, жабрдийдаларнинг исмларини кўрсатмасликни маъқул кўрдик. Босқинчилар қиларини қилиб, уларнинг ҳужжатларини олиб, пул-буюмларини талаб шовилнида улардан бири ўз костомини эсидан чиқариб жабрдийданинчага қолдириб кетди.

«Овдан қайтиб яна ўша пиво ичган маконларига туланишди. У ердан пиволарини олиб, йўл-йўлакай ичиб боришарди. Йўл четидида «ГАЗ-14» 36—48 ТНА «Волга» автомашинаси ўлар диққатини тортиди.

— Ха, йигитлар, йўл бўлсин! — деди шу ерда пайдо бўлиб қолган машина эгиси Ахиров.

Бу пайт машина эшигини аранг очган Р. Мағдиев рулга ўтирар экан, орқа эшигини очиб шерикларига «ўтир» ишорасини қилди-да, Ахировга юзланди:

— Бизга шу машина жуда керак эди-да.

Ҳой, йигитлар, сизларини ўзим оёриб қўяман... Ундай қилмаглар, илтинос...

— Йў! Сенсиз ҳам кетаверамиз. Равил машинага газ бериб, боши оққан томонга ҳайлаб кетди.

Жанубий темир йўл вокзали қинида машина безини тугаб қолдики, тўхтаб қолди. Безорилар машинани ташлаб, гоийб бўлишди. Олиб қочилган машинани милиция ҳолимлари топишганида, салон чўлда гувоҳнома ва паспортлар, ичылган ва ичиб тугатилмаган бир неча шиша пиволар топилиди. Бу эса жиноятчиларнинг бошқа жиноятини фой этишда асқотадиган ашёвий далиллар эди.

Оралдан роса 38 кун ўтгач, юқоридаги гуруҳ аъзоларининг бири томонидан яна бир жиноят содир қилинди.

2 май соат 20.00. Худди шу соатда кучукчасини айлантириб, сайр қилиб келиш Инна учун қўндалик олат бўлиб қолишди. Бу сафар ҳам у кучукчасини етказиб Ҳарбийлар шаҳарчасидаги осма кўприк томон юрди. Чойхона бида исми-шарифи кейинчалик маълум бўлган Хўснуддин Салимовни, яна бироз борган қўшини Одилин кўрди. У билан салом-алиқ қилиб ўтиб кетди. Инна кўприкдан ўтиб бўлганида унинг орқасидан етиб келган Х. Салимов унга тегажоғлик қилди. Сўнгра Иннани пастликка итариб йиқитди ва қизга ташланди-да, номуслига тегди.

«Тез ёрдам» машинаси Инна Батуригани шифохонага олиб кетди. Маълумки, тан жароҳати билан тушганлар ҳақида милицияга хабар қилинади. Зудлик билан етиб келган Ички ишлар бўлими терговчиси жабрдийда билан суҳбатлашди. Воқеага алоқадор далиллар рад этиб бўлмас даражада тўп-ланди.

Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бўлими жиноят қидирув ходимлари юқорида қайд этилган 5 нафар жиноятчидан 3 нафарини қидириб топишди. Мана, улар кимлар экан:

Х. Салимов. 1973 йил 19 июлда туғилган, маълумоти 8 синф. Аввал Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуининг 15—126-моддасининг 2-бандига биноан айбдор, деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Р. Мағдиев. 1972 йилнинг 26 майида туғилган, маълумоти 8 синф. Чилангар бўлиб ишларди. 1989 йил 28 апрелда суд ҳайъати томонидан айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

У. Жўраев. 1972 йил 2 январда туғилган, маълумоти 8 синф. У 1988 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуи 125-моддасининг 2-қисмига биноан айбдор, деб топилиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Юқорида қайд этилган жиноятчиларнинг ота-оналари, қариндosh-уруғлари суд ҳайъати қаршисида кўз ёш тушиб, воёга етмаганликларини инобатга олиб, жазо қорарини неқийратишни ўтганини сўрашганди. Бундай номфа ишларга қўл урмасликларини таниқлаб, сўз беришганди.

Шунинг учун ҳам суд ҳукм чорасини 2 йилга кечиктирганди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси суд залидан боаларини етказиб чиққач, ваъдаларини унуттишди. Боаларини ўқишгами, ишгами жойлаштириб, биронта фойдали иш билан банд этишмади. Уларнинг босган қадамини кузатишмади. Натикада улар оғир жиноятга қўл уришди. Бу биринчи сабаби. Толиба Тўтихон ва қўшини талабалар босқинчилардан тан жароҳати олиб, мол-мулкидан айрилсаларда оғизларига талқон солиб ҳеч кимга чўрқ этишмади. Агар улар ўз вақтида ички ишлар бўлимига мурожаат этишганди юқорида қайд этилган оғир жиноятларнинг олди олинарди.

Шайхонтоҳур тумани суд ҳайъати судья А. Аззамжўраев расилгидида бу жиний ишни кўриб чиқиб Х. Салимовга олдинги ўталмай қолган 1 йил жазонини ўқитган ҳолда 10 йил, Р. Мағдиевга олдинги ўталмай қолган 1 йил жазонини қўшиб 10 йил муддатга, У. Жўраевни 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Улардан жабрдийдалар фойдасига етказилган зарар ундириб берилишга ажрим чиқарилди.

Афсуски, синган ойнани тузатиб бўлмаганидек, жабрдийдаларга етказилган маънавий жароҳатини бутлаб бўлармиди?

Холмуҳаммад МҲДИНОВ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

ХЎРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Агар Сиз фарзандларингизнинг ёғи мавсум данийта мириқиб дам олишини, ижод билан шуғулланишини, музейлар ва бог-роғларга сайрга чиқиларини, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига боришини истасангиз,

БОЛАЛАР БАДИЙИ ИЖОДИЕТИ
РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

ПУЛЛИК КҲНДУЗГИ
ЕЗГИ БИР ОИЛИК ОРОМГОҲГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ОРОМГОҲ шайба ва икшанбадан ташқари ҳар кун соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.

2 маҳал овқатланиш. Ўзбекистондаги таниқли маданият ва санъат арбоблари раҳбарлигида ижодий студияларда машғулотлар ташкил этилади, турли-туман маданий ҳордиқ дастури тайёрланган. Оромгоҳ 1993 йил 1 июль ва 1 августда иш бошлайди.

Талабномалар 1993 йил 29 июнча ва 29 июлча қабул қилинади.

Манзилми: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 15-уй (13, 15, 16-троллейбуслар: 4, 7, 8, 9, 24, 28-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати). Телефон: 56-62-29.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!



Республиканинг минтақавий ўзига ҳосликларини эътиборда тутган ҳолда ва омонатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида

Жамғарма банки муассасаларида

1993 йилнинг 1 июлидан ВОШЛАВ
ЕШЛАРНИНГ МУКОФОТЛИ ОМОНАТЛАРИ,
ТУПЛАНАДИГАН
ОМОНАТЛАР ВА ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

Е П И Л А Д И

Кўрсатилган турлардаги омонат ағаларига ўз омонатларини имтиёзли шартларда бошқа турдаги омонатга қайта расмийлаштириш ҳуқуқи берилади.

Белгиланган муддатларда қайта расмийлаштирилган омонатлар бўйича фонзалар қайта расмийлаштириш муддатидан қатъи назар, омонатнинг турига қараб, 1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўланади.

Муддатиди КАТАРА РАСМИЙЛАШТИРИЛМАГАН ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ФОНЗЛАР ИЛИГА 10 ФОН ИЗ ХИСОВИДАН 1 ЯНВАРДАН ВОШЛАВ, ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА 1993 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН ВОШЛАВ ТўЛАНА БОШЛАЙДИ!

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-78-02, 33-51-95.

ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВОШҚАРМАСИ.

В. А. БУГАЕВ НОМИДАГИ УРТА ОСИЁ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

табiiй муҳит ифлосланишини олдиндан тахмин қилиш билан боғлиқ тадқиқотлар бўлимига
ҚУЙДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— атроф-муҳит иншоотларининг ифлосланишини таҳлил қилишнинг физикавий-кимёвий усуллари ихтисосидаги илмий ходим;
— физикавий-кимёвий таҳлил усуллари метрологик таъминлаш ихтисосидаги илмий ходим.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КҲНДАН ВОШЛАВ ИККИ ҲАФТА.

Ҳужжатлар директор номига қуйидаги манзилга юборилсин: 700052, Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефон 35-83-50.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

жисмоний тарбия ўқитувчилари (ўзбек тилини билиши мақсадга мувофиқ)

бўш лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Охунбобоев (собиқ Куйбишев) кўчаси, 12-уй, расмийлаштириш бўлими.

АХБОРОТ БИЛДИРИШИ

«ТОШШАҲАРТРАНС» концернининг
Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 325-уйда жойлашган

127-АВТОКОРХОНАСИ

хўжалик ҳисоби шартонларида ишлайди ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб

ЮК ТАШИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ.